# Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 197 (13.260)

Баҳоси эркин нархда


# МАТОНАТ, ЖАСОРАТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

**Ўзбекистон спортчилари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV Паралимпия ўйинларида 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза медални қўлга киритди**




Тошкент халқаро аэропортида 21 сентябрь куни ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчиларини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, паралимпиячиларимизнинг ота-оналари, журналистлар йиғилди.

Жорий йилги спорт мавсумида Ўзбекистон фарзандлари дунёнинг нуфузли мусобақалари – XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида бутун жаҳонга мамлакатимизнинг улкан салоҳиятини намоён қилди. Аждодлари буюк миллатнинг авлодлари ҳам буюк ишларга қодирлигини, юртимиз ёшларининг мардлик ва жасоратда, шижоат ва матонатда, иқтидору истеъдодда ҳеч кимдан кам эмаслигини, аксинча, манаман деган давлат ёшларидан устун эканини исботлади.

Спортчиларимизнинг XXXI ёзги Олимпия ўйинларида халққа улашган, элнинг қаддини, ғурур-ифтихорини тоғдек кўтарган музаффар онларининг ҳовури босилмай туриб, яна ғалаба нашидаси, бахтиёр лаҳзалар шукуҳи қалбларимизни чулғаб олди.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз эришган натижалар ана шундай туйғуларни бахш этди. Дунё миқёсидаги нуфузли спорт анжуманида бир юз олтмишдан зиёд давлатдан тўрт мингдан ортиқ спортчи ғолиблик учун баҳслашди.

Ўзбекистон паралимпиячилари ушбу нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўрди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги Қарори асосида паралимпиячиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Паралимпия ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

XV Паралимпия ўйинларида Ўзбекистоннинг 32 спортчиси дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ва пауэрлифтинг турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза, жами 31 медалга сазовор бўлди. Бу кўрсаткич билан Ўзбекистон спорт делегацияси 160 дан ортиқ давлат орасида ўн олтинчи, МДҲ давлатлари ўртасида иккинчи, Осиё мамлакатлари ичида учинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

– Ўғлим Паралимпия ўйинларига кетиш олдидан албатта олтин медаль билан қайтаман, деб ваъда берганди, – дейди Фирдавс Мусабековнинг онаси Шоира Мусабекова. – У ваъдасининг устидан чиқиб, юзимизни ёруғ қилди. Ўғлимнинг бу ғалабаси бутун халқимизнинг ютуғи, истиқлол берган кенг имкониятлар, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ёшларга кўрсатган меҳр ва эътиборининг самарасидир. Мамлакатимиз мустақил бўлмаганда ўғлим шундай катта мусобақаларда манаман деган давлат вакиллари билан беллашиш имконига эга бўлармиди?! Ғалаба қозонишини-ку тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

– Биз паралимпиячиларимиз билан фахрланамиз, – дейди XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби Руслан Нурудинов. – Уларнинг матонатига, шижоатига қойил қолмай илож йўқ. Биз, спортчилар XXXI ёзги Олимпия ўйинларидаги ғалабамиздан қандай қувонган бўлсак, паралимпиячиларимизнинг ютуғидан қувончимиз икки ҳисса ошди. Зеро, улар Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон ёшлари нималарга қодирлигини, халқаро майдонларда эришаётган натижаларимиз тасодифий эмаслигини яна бир карра исботлади.

*(Давоми 2-бетда.)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт коллежларида ўтган ўқув йилида амалга оширилган ишлар ва 2016-2017 ўқув йилидаги муҳим вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**● “Қўнғирот сода заводи” унитар корхонасининг иккинчи навбати иш бошлади ва энди корхона йилига 200 минг тонна экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Халқаро талабларга тўла жавоб берадиган корхона маҳсулотлари ички бозордан ташқари Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон каби бир қатор давлатларга экспорт қилинмоқда.**

**● Наманганда “ICTExpo – 2016” ахборот-коммуникация технологиялари миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларидан келган мутахассислар ва дастурчилар томонидан юқори технологияли маҳсулотлар, дастурий таъминот, компьютер техникаси, мобиль алоқа ва маълумотлар узатиш хизматлари тақдим этилди.**

**● Самарқандда “Камолот-тур” IX ёшлар веломарафонининг вилоят босқичи ўтказилди. Марафоннинг қуйи босқичларида сараланган ёшлар вилоят босқичида яна бир бор ўз маҳоратини кўрсатди.**

**● Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг экологик маданиятини шакллантириш ҳамда 16 сентябрь — Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни муносабати билан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти кенгаши қошидаги “Саломатлик посбонлари” кўнгилли ёшлар гуруҳи томонидан “Гар юрсангиз пиёда — умрингиз бўлар зиёда!” шиори остида “Бир кун автомобилсиз” акцияси ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Цзюцюань космодроми майдонида “Тяньгун-2”, яъни “Самовий қаср” деб номланувчи орбитал илмий-тадқиқот лабораториясини ўрнатиш бўйича ишлар якунланди. Синов намунаси устида икки йил иш олиб борилгач, мазкур космик лаборатория жорий йилнинг сентябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилмоқда.**

**● Олимлар қон томирларидаги тромбларни лазер нури ёрдамида аниқлади. Янги усул орқали тиббий жараёнлар ва операциядан кейинги босқичда тромбларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёнларни тўхтатиш мумкин.**

**● Стенфорд университети олимлари дақиқасига 12 та сўзни ҳарфма-ҳарф терувчи “мия-компьютер” нейроинтерфейсини яратди. Тизим жониворларда муваффақиятли тарзда синовдан ўтказилди. Янги ишланма мультиэлектрон сенсорга асосланган бўлиб, бош мияга имплантация қилинади ва бармоқларнинг сичқончани қандай бошқараётгани “ўқиб олинади”. Натижада у юборган сигнал курсорни бошқарадиган дастурий таъминотга узатилади ва керакли ҳарф терилади.**

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “Uzreport” ахборот агентлиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланди.***

# ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК – САЙЛОВНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимизда самарали сайлов тизими шаклланиши баробарида, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалганини таъкидлади. Аввалги сайлов кампаниялари мобайнида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича катта тажриба тўпланди. Зеро, сайловларнинг очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик каби демократик тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнини кенг ёритади.

Тузилган битимлар сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунлар ва сайлов жараёнини тартибга соладиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини яхши йўлга қўйишга қаратилган. Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва сайлов қонунчилиги соҳасидаги олим ва экспертлар билан суҳбатлар уюштириш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари ҳақида жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилади. Сайлов кампанияси тўғрисида хорижий мамлакатлар давлат ва жамоат арбоблари, эксперт ва таҳлилчилари, оммавий ахборот воситалари вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан мамлакатимиз аҳолисини доимий равишда таништириб бориш борасидаги ишлар самарали ташкил этилади.

Имзоланган битимларни амалга ошириш доирасида барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти изчил ёритиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг сайловолди дастурлари қоидаларини, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларига тааллуқли мустақил нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, шу жумладан, тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратиш йўли билан кенг ва тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилади.

ЎзА

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДА

***21 сентябрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Раиси, шаҳар ҳокими Р.Усманов олиб борди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этиш, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2016 йил биринчи ярим йиллик якунлари, шаҳримиздаги кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини ривожлантириш мақсадида, маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини янада жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

*(Давоми 2-бетда.)*

# МАТОНАТ, ЖАСОРАТ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

– Спортчиларимизнинг Паралимпия ўйинларидаги ҳар бир чиқишини катта ҳаяжон билан кузатиб бордик, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Намозов. – Бу натижалар, медаллар мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш борасида амалга оширилган улкан ислоҳотлар мевасидир.

...Мана, орзиқиб кутилган дамлар – улкан ҳаво кемасидан қўлларида Ватанимиз байроғини мағрур кўтарган спортчиларимиз чиқиб келмоқда. Карнай-сурнай садолари ёшларнинг "Ўзбекистон!" деган ҳайқириғига уланиб кетади.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Ўзбекистон халқ артисти М.Азизов, ота-оналар номидан Р.Кўчқорова паралимпиячиларимизнинг бу юксак ғалабаси халқимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлаганини, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизда мустақиллик йилларида спортни ривожлантиришга, бу жараёнда жисмоний имконияти чекланган спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратган эътибор ва ғамхўрлигининг улкан самарасини бутун дунёга намоён қилганини алоҳида таъкидлади.




Ғолиб ва совриндор спортчиларимиз номидан сўзга чиққан Ш.Намозов, Ҳ.Олимова, М.Турсунхўжаев халқимизнинг ишончи, давлатимизнинг ёшларга қаратаётган юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди. Келгусида бундан-да юксак ғалабаларни қўлга киритишга ваъда берди.

Паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари, иштирокчилари, уларнинг ота-оналари ва яқинлари усти очиқ автобусга ўтириб йўлга чиқди. Тошкент халқаро аэропортидан Ўзбекистон Паралимпия ассоциацияси биносига қадар музаффар спортчиларимизни кутиб олиш учун йиғилганлар уларни қутлади: "Баракалла, қудратли юртнинг муносиб фарзандлари! Ғалабангиз муборак бўлсин!"

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, халқаро майдонларда матонатини, иродасини, жасоратини кўрсатишини таъминлаш доимий эътиборда.

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ғалабага бўлган қатъий ишончи, туғилиб ўсган Ватанини баралла мадҳ этишга бўлган интилиши улар кўрсатган натижаларда бутун бўй басти билан намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори паралимпиячиларимизнинг тўрт йиллик энг нуфузли мусобақасида муносиб қатнашишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Спортчиларимиз Паралимпия ўйинларида эришган ғалабалари билан нафақат мамлакатимиз, балки дунё тарихида янги саҳифа очди. Паралимпиячиларимиз шарафига Ўзбекистон номи, мустақил мамлакатимиз мадҳияси баралла янгради, байроғимиз баланд ҳилпиради. Улар қайд этган натижалар, рекордлар, қўлга киритган медаллар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилди.

Ҳар қандай ғалаба, эришилган натижа таққосланганда янада залворли кўринади. Биргина мисол, Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XIV Паралимпия ўйинларида ўн нафар спортчимиз иштирок этган ва бир кумуш медални қўлга киритган эди. Бу галги мусобақада олтин медалнинг ўзи саккизтага етди. Таъкидлаш жоизки, ҳатто, қатнашувчи спортчилари бизникидан бир неча баробар кўп бўлган айрим давлатлар ҳам шунча олтин медалга эриша олгани йўқ. XV Паралимпия ўйинларида 160 дан зиёд давлатдан 83 давлат спортчиларигина медалларни қўлга киритиш бахтига муяссар бўлди, олтин медалга сазовор бўлган давлатлар ундан ҳам кам – 63 тани ташкил этди.

Спортчиларимиз фақат медалларни қўлга киритибгина қолмай жаҳон ва Паралимпия ўйинлари рекордларини ҳам янгилаб, ўзларининг улкан салоҳиятга, истеъдодга эга, юраги шижоатга тўла эканини исботлади. Нуфузли мусобақада спортчиларимиз томонидан 7 Паралимпия ўйинлари, 6 жаҳон ва 12 Осиё рекорди ўрнатилди.

Нуфузли мусобақанинг дзюдо бўйича беллашувларида қатнашган полвонларимиз 3 олтин, 1 кумуш ва 6 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Вазни 60 килограммгача бўлган спортчилар ўртасидаги беллашувларда қатнашган Шерзод Намозов уругвайлик Хенри Боргес, озарбайжонлик Рамин Иброҳимов, япониялик Макото Хиросени енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

– Паралимпия ўйинларидаги ғалабамизни мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига бағишлаймиз, – дейди Шерзод Намозов. – Олимпиячиларимизни кутиб олиш маросимини кўрганимизда уларга чин дилдан ҳавас қилган, биз ҳам нуфузли мусобақада муносиб иштирок этиб, ғалаба қозонамиз, деб ният қилган эдик. Бугун ана шу ниятимизга етганимиздан, бизни ҳам олимпиячиларимиз каби катта тантана билан кутиб олишганидан бошимиз осмонга етди.

Паралимпия ўйинларининг сузиш бўйича баҳсларида спортчиларимиз ўзига хос рекорд натижа қайд этди.

Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда қатнашган истеъдодли спортчимиз Фотима Омилова биттадан олтин, кумуш ва бронза медалга сазовор бўлди. У 100 метрга брасс усулда сузишда 1 дақиқа 12.45 сония натижа қайд этиб, жаҳон рекордини янгилади ва шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. 200 метрга комплекс сузишда кумуш, 100 метрга баттерфляй усулида сузишда бронза медални қўлга киритди.

– Паралимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлганимдан хурсандман, – дейди Фотима Омилова. – Нуфузли мусобақада ғалаба қозонишимда Ўзбекистонга албатта медаль билан қайтишим, ота-онам, устозларим, халқимизнинг ишончини оқлашим керак, деган қатъий ишонч менга ҳар томонлама куч-қувват берди. Зеро, мустақил Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда ҳимоя қилиш, биз, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган юртимизга муносиб фарзанд бўлиш ҳар биримизнинг энг улуғ мақсадимиздир.

Муслима Одилова 50 метрга эркин ва 100 метрга баттерфляй усулда сузишда иккита кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Шоҳсанам Тошпўлатова 50 метрга эркин ва 200 метрга комплекс усулда сузишда икки марта учинчи ўринни эгаллади.

100 метр масофага брасс усулда сузиш бўйича баҳсларда қатнашган Фирдавс Мусабеков 1 дақиқа 04.94 сония натижа кўрсатиб, Паралимпия ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди. 100 метрга баттерфляй усулида сузиш баҳсларида Кирилл Панков кумуш, Музаффар Турсунхўжаев бронза медални қўлга киритди.

Паралимпия ўйинларининг енгил атлетика баҳслари ҳам спортчиларимиз учун медалларга бой бўлди.

Ушбу спорт турида Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига дастлабки медални Ҳусниддин Норбеков келтирди. Тажрибали спортчимиз диск улоқтириш баҳсларида 59,75 метр натижа қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади. Унинг кўрсатган натижаси жаҳон ва Паралимпия ўйинлари рекорди сифатида қайд этилди.

– Нуфузли мусобақада қўлга киритган юқори натижаларимиз мустақиллигимиз неъмати, мамлакатимизда биз, ёшларга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир, – дейди Ҳусниддин Норбеков. – Паралимпия ўйинларида биз ана шу меҳр ва ғамхўрликни чуқур ҳис қилган ҳолда баҳсларга киришдик. Бу бизга янада куч-ғайрат бағишлади.

Александр Свечников найза улоқтириш баҳсларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Спортчимиз 65,69 метр натижа қайд этиб, Паралимпия рекордини янгилади.

Хотин-қизлар ўртасида енгил атлетиканинг найза улоқтириш баҳсида Нозимахон Қаюмова 44,58 метр натижа кўрсатди ва жаҳон рекордини ўрнатиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади. Ядро улоқтириш мусобақасида Сафия Бурхонова кумуш медални қўлга киритди.

Ўн метрдан пистолетда ўқ отиш баҳсларида иштирок этган Сервер Ибрагимов ва пауэрлифтинг бўйича вазни 80 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида қатнашган Аҳрор Бозоров Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига бронза медални тақдим этди.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон спортчилари XV Паралимпия ўйинларида ўз маҳорати, матонати ва шижоатини тўла намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Спортчиларимиз келажакдаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, 2020 йили Японияниг Токио шаҳрида бўладиган XVI Паралимпия ўйинларида бундан-да салмоқли натижаларга эришиши шубҳасиздир.

Тантанали маросимда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

Маълумки, 2016 йил 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрь, якшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий йилнинг 9 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари, шу жумладан Тошкент шаҳри чегараси доирасида 14-Тошкент шаҳар сайлов округи тузилди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4 ва 181-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар кўриб чиқилди.

Сессияда Марказий сайлов комиссиясига тавсия этиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг 11 кишидан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шунингдек, сессия кун тартибига биноан Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2016 йил биринчи ярим йиллик якунлари ижросига бағишланган масала кўриб чиқилди. Унда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар раҳбарларига 2016 йил учун тасдиқланган харажатлар сметаси ижросини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш, дебитор ва кредитор қарздорликлар юзага келишига йўл қўймаслик, бюджет ва смета-штат интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш, бюджет маблағларини мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ва бу борада масъул ходимларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар кўриш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 июндаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар иқтисодиёт тармоқлари, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини 2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини янада жадаллаштириш ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**АКТ ҳафталиги**

# ДАСТУРЧИЛАР ФОРУМИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда "ICTWeek – 2016" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида "ICTForum – 2016" ахборот-коммуникация технологиялари форуми бўлиб ўтди.***

Етакчи IT-компаниялар вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий экспертлар – жами 800 нафардан ортиқ мутахассис иштирок этган форумда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда иқтисодиётнинг турли тармоқларига ахборот-коммуникация технологиялари изчил жорий этилгани юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Форумда 70 дан зиёд маъруза тақдим этилди. Унда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш истиқболларини белгилаш, хорижий олим ва тадқиқотчилар билан ахборот технологияларининг муҳим тармоқлари бўйича тажриба алмашишни рағбатлантириш, амалий тадқиқот ва ишланмалар имкониятлари муҳокама этилди.

Секцияларда давом этган муҳокамаларда давлат хизматлари институтининг шаклланишида "Электрон ҳукумат" тизимининг роли, аҳолига кўрсатилаётган интерфаол хизматлар кўлами ва сифатини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, медиа бизнесини ва дастурий таъминот саноатини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

– "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш бўйича ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашмоқдамиз, – дейди ЎзА мухбирига Жанубий Корея давлат бошқаруви институти вакили Чонг Со Юн. – Ўзбекистонда жорий этилган "Электрон ҳукумат" тизимида кўплаб инновацион ечимлар ўз аксини топган. Бу интерфаол хизматлар яратиш, ахборот бозорини кенгайтириш ва мамлакатингиз иқтисодиётини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар яратади.

Иштирокчилар Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси такомиллашиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ошаётгани, янги технологиялар жорий этилаётганини қайд этди.

Мобиль алоқа соҳасининг жадал ривожланиши натижасида оператор ва провайдерлар, интернетдан жамоавий фойдаланиш нуқталари кўпайиб, электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

– Биз интернетда миллий сегментларни ривожлантириш, мамлакатимизда фойдали интернет-ресурсларни янада кўпайтиришга қаратилган "Янги интернет ташаббуси – 2016" лойиҳасини тақдим этдик, – дейди "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази бўлим бошлиғи Дилдора Акромова. – Истаган киши бизга янги интернет-ресурс ғоясини юбориши мумкин. Энг яхши лойиҳалар муаллифлари моддий рағбатлантирилади.

Форум замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жадал жорий этишга хизмат қилади.

**Р.БОНДАРЧУК**

***Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук вояга етиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши, истеъдод ва иқтидорини намоён этиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.***

# ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ АВЛОД – ЮРТ ЭРТАСИ

Глобаллашув туфайли турли мафкуравий таъсирлар, "оммавий маданият" айниқса, ёшлар тафаккурини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайган бугунги даврда бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган ибратли миллий анъана ва урф-одатларни сақлаш ҳамда ривожлантириш, уларни ўсиб келаётган авлод қалбида ҳурмат руҳида, юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш муҳим ҳисобланади. Бугунги глобаллашув жараёнидаги иллатларга қарши бой маънавий меросимиз, миллий урф-одат ва қадриятларимизни улуғлашда маҳалла фуқаролар йиғинларида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

— Жамиятимизда демократик қадриятлар изчил таркиб топиб бормоқда, — дейди Чилонзор туманидаги "Мевазор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуғаффор Султонов. — Бу жараёнда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғун қабул қилиш, маънавий ва ахлоқий қоидаларга янгича муносабатда бўлиш, мафкуравий ва маърифий янгиланиб бориш каби хусусиятлар шаклланди. Айни пайтда демократик турмуш тарзининг шаклланиш жараёнида маънавий ва тубанлик иллатлари ҳам пайдо бўлмоқда. Ҳозирги глобаллашув жараёнида ўқувчи-ёшларимиз янада сергак ва ҳушёр бўлишлари лозим. Юртимизга ташқаридан кириб келаётган турли хил маълумотларга кўр-кўрона ишониб кетмаслик муҳим аҳамиятга эга. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, аждодларимиз қолдирган маънавий-маданий меъросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга бекаму-кўст етказиб бериш, ёшларимизни ақлли, доно, бахтли ва баркамол этиб тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бугун ҳудудда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этилган Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиянинг ўрни муҳим. Ушбу комиссиянинг асосий вазифаси миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига таъсирчан усуллар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги маънавий меросини, эркин ва фаровон ҳаёт моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган. Шунингдек, ўсиб келаётган авлоднинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ҳамда жисмонан соғлом вояга етишлари мақсадида турли тўгаракларга жалб этилган. Таэквондо, кикбоксинг, кураш, теннис, шахмат-шашка, бисер, тўқиш тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Жорий йилда болалар учун очиқ сув спорт ҳавзаси очилди. Барча шарт-шароитларга эга ушбу масканда аҳоли, ёшлар саломатликларини тиклашмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш жараёнида соғлом ва мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятли авлодни тарбиялаш, ёшлар онги ва қалбига ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Маҳаллада ёшларни миллий менталитетимизга ёт ғоя ва оқимлар, жумладан, "оммавий маданият" таъсиридан асраш, уларни огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этишга қаратилган тадбирлар доимий ўтказилади.

— Тобора кучайиб бораётган ғоявий хавф-хатарларни мунтазам равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан енгиш мумкин, — дейди "Мевазор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Шоира Тўлаганова. — Мафкуравий қурашлар кучайиб боргани сайин унинг янгидан-янги турлари оммалашмоқда. Жумладан, ёшларимизга энг кўп таҳдид солаётгани "оммавий маданият" иллати деб айтиш мумкин. Маҳаллада "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Ҳудуддаги 114-ўрта мактаб ўқитувчилари, ота-оналар иштирокида бундай ёт таъсирларга қарши тадбирлар ўтказиб келинади. Бу каби тадбирларда мумтоз маънавий сарчашмаларимиздан фойдаланиб, миллий меросимизни тарғиб этиш, урф-одат ва анъаналаримизнинг ўлмас қадрият эканлигини тушунтириб ўтилади. Ўсиб келаётган ёшлар — эртанги кунимиз эгалари эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ўғил-қизларимизнинг онгига маънавий-ахлоқий қадриятларни сингдириш, қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш — биз, маслаҳатчиларнинг энг муҳим вазифамиздир.

Турли соҳаларда билим ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз тараққиёти, унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Маҳаллаларда ёшларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда юрт равнақига дахлдорлик туйғусини тарбиялаш юзасидан олиб борилаётган ишлар, маънавиятимизга ёт ғоялар тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни янада такомиллаштириш муҳимлигини унутмаслик лозим.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**Тинчлик – энг улуғ неъмат**

# БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

***Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган тадбир шундай деб номланди. Унда маданият ва санъат намоёндалари, шоир ва ёзувчилар, олимлар, иқтидорли талаба-ёшлар иштирок этди.***

Университет проректори М.Комилов ва бошқалар энг бебаҳо неъмат – тинчлик-осойишталик туфайли мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилиб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалиб бораётганини таъкидлади.

Бу азиз неъматнинг қадрига етиш, эртанги кунимизнинг янада баракали бўлиши йўлида меҳнат қилиш барчамизнинг эзгу мақсадимизга айланиши лозим.

Тадбирдан кўзланган мақсад турли ахборот хуружларига қарши курашиш барчамизнинг энг биринчи ўриндаги вазифамиз эканлиги таъкидланди. Ахборот хавфсизлиги – барқарорликнинг шарти, тинчликнинг гарови эканлигини ёшларга тушунтириш муҳим аҳамиятга эга.

Бирдамлик, ҳамжиҳатлик тушунчаларини ёшларимиз онгига янада чуқурроқ сингдириб бориш, уларнинг дунёқарашини, ҳаётга, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга холис муносабатини шакллантиришга хизмат қиладиган лойиҳаларни кўпайтириш лозимлиги қайд этилди.

**(ЎзА)**

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

***Бугунги кунда мамлакатимизда кардиология соҳаси ва бу борадаги илмий ютуқларни халқаро талаблар даражасида юксалтиришга катта аҳамият қаратилаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Мазкур соҳани янада ривожлантириш, халқ саломатлигини асраш, жумладан, юрак-қон томир хасталиклари туфайли юз бериши мумкин бўлган нохуш вазиятларнинг олдини олишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар ижроси энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.***



Республика ихтисослаштирилган Кардиология маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда қабул қилинган қарори асосида ташкил этилган. Марказда аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда юрак-қон томир хасталиклари келиб чиқишининг олдини олиш борасидаги долзарб вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда бу ерда 10 та махсус кардиология бўлими фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бўлимларда артериал гипертония, ўткир миокард инфаркти, юрак-ишемик касаллиги, юрак аритмиялари, юрак етишмовчилиги каби хасталиклар самарали даволанаяпти. Марказда кунига 250 қатновга мўлжалланган, замонавий қулайликларга эга бўлган маслаҳат поликлиникаси ҳам сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда беморларга олий тоифали кардиологлар томонидан тиббий маслаҳат берилиб, велоэргометрия, ЭКГни сутка давомида ёзиб олиш, ЭХО кардиография, биохимик таҳлиллар каби замонавий текширувлар ўтказилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида кардиодиспансерлар ҳамда ихтисослаштирилган марказнинг филиаллари ташкил этилган. Шаҳар ва туман поликлиникаларида эса 380 та кардиологик кабинетларда малакали шифокорлар томонидан аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

– Кардиология мисолида оладиган бўлсак марказда охирги 5 йилликда рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлими ташкил этилди ва бўлим замонавий ангиографик ускуна билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда коронароангиография – юрак тожсимон артерияларининг торайган қисмларини аниқлаш, уларга найча ўрнатиш каби юқори технологик усуллар муваффақиятли амалга оширилмоқда, – дейди Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази ташкилий-услубий бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Ҳамидулла Тошпўлатов. – Кардиология марказида йилига мингдан ортиқ беморда ушбу даволаш амалиёти қўлланилаяпти. Бундай усул билан даволаш орқали юрак қон-томир касалликларининг энг оғир тури бўлмиш миокард инфарктининг олди олинмоқда. Тиббиётда ўтказилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, кейинги 10 йил ичида миокарднинг ўткир инфарктидан содир бўлаётган госпитал ўлим ҳолатлари 9-10 фоизгача пасайишига эришилди. Шуниси қувонарлики, бундай замонавий усул билан даволаш Республика вилоятларида ҳам йўлга қўйила бошлади. Ҳозирги кунда Наманган ва Фарғона вилоятларида коронарография ва стентлаш амалиёти йўлга қўйилди ва водий аҳлига хизмат кўрсатиляпти. Эндиги навбатда Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоят кардиология диспансерларида ҳам бундай усулни йўлга қўйиш режалаштирилган. Яна бир юқори технологик усул – юракнинг мураккаб аритмияларида қўлланадиган радиочастотали аблация ва юрак блокадаларида электрокардиостимуляция усуллари бизнинг марказда амалга оширилмоқда. Радиочастотали аблация усули – кардиологик беморларни даволашда қўлланиладиган халқаро стандартларга мос келувчи юқори технологик усул ҳисобланади. Бунда, кўкрак қафасини очмасдан, яъни "қонсиз" йўл билан – махсус мосламалар ёрдамида юракка етиб бориб, унинг нотекис ўриши баъзи турларини радиотўлқинлар воситасида бартараф этилади. Шуни қайд қилиш керакки, бундай операциялар Марказий Осиёда илк бор бизнинг марказда ўтказилган бўлиб, 2008 йилдан буён 250 нафардан ортиқ бемор дарддан бутунлай фориғ бўлди. Ўтган йили марказда Кардиожарроҳлик бўлими ишга туширилди. Бўлим замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, малакали кадрлар тайёрланди. Бўлимда очиқ усулдаги мураккаб операциялар амалга оширилмоқда. Шундай қилиб юрак ишемик касаллигининг оғир турларида аорта коронар шунтлаш, юрак пороклларини жарроҳлик усули билан тиклаш каби мураккаб операциялар амалга оширила бошлади. Қисқа вақт ичида марказимизда 300 дан ортиқ беморда, бундай мураккаб операциялар муваффақиятли амалга оширилди.

Марказимизда хорижий кардиологик клиникалар билан ҳамкорлик алоқалари ҳам кенг йўлга қўйилган. Ёш шифокорлар Россия, Жанубий Корея, Швейцария, Польша каби хорижий давлатларнинг етакчи кардиологик клиникаларида ўз малакаларини ошириб келмоқдалар. Шунингдек, Москва, Новосибирск, Томск кардиология марказларининг олимлари, Швейцария, Жанубий Кореялик мутахассислар бизнинг марказга келиб, маҳорат дарсларини ўтказиб ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Жумладан, Европа юрак фонди раиси, Швейцариялик машҳур кардиожаррох, профессор Пауль Фогт марказимизга бир неча бор ташриф буюриб, кардиожарроҳларимиз билан бирга ўта мураккаб операцияларни амалга оширди. Беморда бир вақтнинг ўзида Аорта коронар шунтлаш, юрак клапанларини ва бўйин томирлари атеросклерозини бартараф этиш каби операциялар шулар сирасидандир. Шуни таъкидлаш керакки, бундай операциялар сунъий юрак аппарати ёрдамида ва ишлаб турган юракда амалга оширилаяпти. Бу мураккаб операциялар дунёнинг саноқли давлатларида амалга оширилади. Ўтказилган операциялар ёрдамида беморларда ўткир миокард инфаркти ва бош мия инсульти каби оғир асоратларнинг олди олинди ва улар фаол ҳаётга қайтарилди. Малакали кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилади. Ташкил этилган клиник ординатура курсларида ҳар йили 25 нафардан ортиқ кардиолог тайёрланиб, ҳозирда булар Республикамизнинг даволаш муассасаларида хизмат қилишмоқда. Охирги 5 йилликда Марказимизда ташкил этилган кардиологларнинг малакасини ошириш курсларида 152 нафар кардиологлар ўз малакаларини оширмоқдалар.

Дарҳақиқат, Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида юрак-қон томирлар касаллигининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва мукаммал даволашга қаратилган кенг қамровли профилактик тадбирлар амалга оширилаяпти. Жумладан, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касаллик келтириб чиқарувчи хавф омилларини камайтириш, касалликни бошланғич даврида аниқлаб, уни даволаш тадбирлари олиб борилмоқда.

Марказда даволаш ишлари билан бир қаторда тиббиётнинг долзарб масалалари бўйича илмий изланишларни ҳаётга татбиқ этиш, илғор тажрибаларни оммалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Яна шуни алоҳида қувонч ва мамнуният билан таъкидлашни истар эдикки, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори, фан-техника соҳасидаги I даражали Давлат мукофоти совриндори, хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Равшанбек Қурбонов Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон қаҳрамони" деган юксак унвонга сазовор бўлди. Биз газетамиз жамоаси номидан уларни яна бир бор чин юракдан самимий табриклаб қоламиз.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИДА – СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

***Атеросклерозни даволашда ҳам дорили, ҳам дорисиз муолажалар қўлланилади. Дорисиз терапия профилактик характерга эга ва атеросклероз пайдо бўлиши сабабларини йўқотишга йўналтирилган.***

**Мутахассис маслаҳати**

## СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Тана вазнини назорат қилиш атеросклерозда зарур чора ҳисобланади. Негаки, семизлик томир асоратларини қўзғайди ва липид алмашуви бузилишини келтириб чиқаради. Вазнни камайтириш учун ёғсиз таомлар истеъмол қилиш ва жисмоний фаоллик талаб этилади. Ёш ва умумий саломатликдан келиб чиққан ҳолда жисмоний фаолликни ошириш зарур. Ҳафтасига 3-4 маҳал 35-40 дақиқадан пиёда юриш керак.

Атеросклерознинг асосий сабабларидан бири кам ҳаракат турмуш тарзи саналади. Кун бўйи диванда чўзилиб ётиш ортиқча ёғ ва холестериннинг организмдан ўз вақтида чиқиб кетмаслигидан, томир деворларида ўрнашиб қолишига олиб келади. Бунинг устига, кислород ва озиқ моддаларни етарлича олмаган аъзолар ўз вазифасини уддалолмайди, моддалар алмашуви ишдан чиқади, томирларда чўкиндилар миқдори ошиб кетади.

Касаллик қанча ривожланса, организм шунча кўп ҳаётий муҳим моддалар етишмовчилигидан қийналади.

Мабодо сизда атеросклероз аломатлари пайдо бўлса, зудлик билан сайр ва ҳаракат қила бошланг. Иш ва дўконга пиёда боринг, хона ҳавосини тез-тез алмаштириб туринг, дам олиш кунлари шаҳар ташқарисига ёки ям-яшил боғларга отланинг. Қон айланишини яхшилаш учун ҳар куни жисмоний тарбия билан шуғулланишга одатланинг. Машғулотлардан сўнг руҳингиз енгиллашиб, иштаҳангиз очилади. Тамаки ва алкоголдан албатта, воз кечинг. Улар хаста томирларга кучли салбий таъсир кўрсатади ва атеросклероз ривожланишини тезлаштириб юбориши мумкин. Ҳолдан тойгунча ишламаслик ва етарли даражада дам олиш муҳим.

Атеросклерозда цитрус-саримсоқ ва асал қоришмаси яхши ёрдам беради. Бир кг. табиий асалга 10 та лимон шарбати ва қирғичдан чиқарилган 5 та саримсоқни аралаштиринг. 1 ҳафта салқин жойда сақланг. Кунига 1 маҳал 1 ош қошиқдан истеъмол қиласиз.

Атеросклероз ва миокард инфарктини даволашда мумиё яхши восита саналади. У қондаги липид ва бошқа моддаларнинг миқдорини камайтиради, моддалар алмашинувини яхшилайди. Инфарктдан кейинги тикланиш даврида мумиё ҳужайралар регенерациясини тезлаштиради, аритмиянинг олдини олишга ёрдам беради. Атеросклерознинг ҳар қандай турида инсулт ва инфаркт профилактикаси учун кунига 2 маҳал овқатдан 30-60 дақиқа олдин бир граммдан мумиё ейиш ёки ухлашдан олдин 2 г. мумиёни бир ош қошиқ асал ёки илиқ сувга аралаштириб ичиш тавсия этилади.

Мумиёни иссиқ эмас, фақат илиқ сувга аралаштириш керак. Акс ҳолда фойдали хусусияти камаяди. Яхши мумиё хона ҳароратидаги сувда тез эрийди. Мумиёнинг таъсирини кучайтириш учун даволаш даврида алкоголь ва жонивор маҳсулотларидан тайёрланган таомлардан воз кечиш даркор.

**Сурайё БЕКНАЗАРОВА,**
**"Нуроний" шифохонаси асаб касалликлари бўлими шифокори**

**Миннатдорлик**

## МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

***Ҳурматли, "Тошкент оқшоми" газетаси таҳририяти, мен яқиндагина 2-сонли Республика клиник шифохонасида даволаниб, соғлигимни мустаҳкамлаб чиқдим. Бунда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг меҳнати муҳим саналади. Чунки улар Гиппократ қасамёдига амал қилиб, халқ соғлиги йўлида ҳалол меҳнат қилишни ўз зиммаларига олганлар.***

Юрт соғлиги йўлида хизмат қилаётган шифокор ва ҳамшираларга ҳар қанча таҳсин айтса арзийди. Аслида тиббиётда дори-дармонлар билан эмас, балки ширин сўз билан даволаш инсон вужудидаги касалликларга тезроқ даво берар экан.

2-сонли Республика клиник шифохонасида беморлар учун барча шарт-шароитлар, қулайликлар яратилган. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар бугунги давр талабига ҳар томонлама жавоб беради. Бош шифокор Мирносир Мирюнусов раҳбарлигидаги шифокорлар, ҳамширалар ва ходимлар жамоасининг ширинсуханлиги, меҳрибонлиги, тийранлиги ва ўз ишига виждонан ёндашуви нафақат мени, балки барча даволанувчи беморларнинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлмоқда.

Айниқса Бош шифокор ўринбосари Зулфия Абдураҳмонова, УЗД бўлими шифокорлари Зулфия Исломова, Мавлуда Муродова ва даволовчи шифокор Мансуба Содиқованинг кўрсатган тиббий муолажалари, маҳорати, тезкорлиги барча беморларга бирдай манзур бўлади. Олий тоифали кардиолог Мансуба Содиқованинг иш услуби, беморларнинг кўнглига йўл топа олиши, ноизк таъби даволанувчиларга маъқул бўлди. Мен уч йилдан буён айнан шу шифохонада даволанаман. Бу ўринда катта ҳамшира Лола Расулметова, ҳамширалар Гулнора Холмурзаева, Наргиза Усмонова, ходимлардан Орзигул Абдуллаева, Каромат Юсуповага ҳам чексиз миннатдорчилик билдириб қоламан.

Улар ўз ишининг устаси, шу билан бирга зукко ва хушфеъллиги билан касалларнинг дардига малҳам бўлиб, ҳурматига сазовор бўлмоқда. Сўзимни мухтасар қилар эканман клиниканинг барча жонкуяр ходимларига тани-сиҳатлик, оилавий хотиржамлик, бахт саодат тилаб қоламан. Улар ҳамиша ва ҳар доим элнинг раҳматига, дуосига ва ҳурматига лойиқдирлар...

**Равшан РИХСИЕВ,**
**Юнусобод тумани, Бодомзор массиви**

**Тиббиёт муассасаларида**

## ЯНГИ ТИББИЙ УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНДИ

***Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларда инсон саломатлиги, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, поликлиника ва шифохоналарни замонавий тиббий-техник ускуналар билан таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.***

Шайхонтоҳур туманидаги 46-оилавий поликлиникада ҳам она ва бола саломатлигини яхшилаш, соғлом фарзанд дунёга келишини муҳофазалаш, турли касалликларнинг олдини олиш жараёнларини қамраб олган, дастуруламал ишлар амалга оширилмоқда. Поликлиника "Самарқанд Дарвоза", "Новза", "Зангиота", "Янгиобод" Олим Хўжаев маҳаллаларига хизмат кўрсатади.

28939 минг нафар аҳолини қамраб олган муассасада инсонлар саломатлигини яхшилаш, муҳофазалаш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Физиотерапия, рентген, марказий стерилизация бўлимлари, клиник ва биохимик бўлим, лор ва стоматолог, гинеколог, кардиолог, невролог ва терапевт шифокор хоналари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

– Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш, ҳар томонлама соғлом, етук ва баркамол авлодни камолга етказиш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан биридир, – дейди 46-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Гўзал Холиқова. – Поликлиникамиз бронхиал астма ва сурункали ўпка обструктив касалликларининг ривожланиш хавфини баҳолаш ва камайтириш бўйича пилот поликлиника сифатида танлаб олинди. Шундан келиб чиққан ҳолда соғлом оилани шакллантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш борасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб борамиз. Тиббиёт муассасамиз ва маҳалла ҳамкорлигида ўтказиладиган тадбирларимизда аҳолига эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, зарарли одатларнинг инсон соғлигига таъсири, ҳомиладор аёллар ва бир ёшгача бўлган болалар парвариши хусусида малакали мутахассисларимиз томонидан керакли маслаҳатлар, йўриқномалар бериб борилади.

Поликлиника ўтган йили "Саломатлик-3" лойиҳаси асосида тиббий жиҳозлар билан жиҳозланди. Ҳар бир хонага катталар ва болалар учун электрон тарозилар, бўй ўлчаш мосламалари ўрнатилди.

Шифокор ва ҳамшираларнинг патронаж сумкалари билан таъминланди. Бугунги кунда тиббиёт муассасасида беморларни текширувдан ўтказишда қулоқни текшириш учун отоскоп, кўзни текшириш учун офтальмоскоп асбобларидан фойдаланилмоқда. Бу айниқса, катта ёшдаги беморларни тиббий кўрикдан ўтказишда яхши имконият яратди. Ҳар бир хона замонавий компьютер жамланмаси билан таъминланган.

Лўндагина қилиб айтадиган бўлсак, инсон саломатлигини муҳофаза қилишда ва касалликларни олдини олишда поликлиникада барча шароитлар етарли.

**(Ўз мухбиримиз)**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### Тадбиркорлар ва фуқаролар диққатига!

Тошкент шаҳрида йилдан йилга кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янги замонавий талабларга жавоб берадиган кўп қаватли ва якка тартибда қурилаётган турар жойлар ҳамда тадбиркорлар томонидан савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилмоқда.

Бугунги кунда, баъзи тадбиркорлар ва фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларини тушуниб етмасликлари ёки уларга зид равишда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмай туриб, қўшимча ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, бино-иншоотларни барпо этиш, шунингдек, тасдиқланган лойиҳадан четга чиққан ҳолда қўшимча бино-иншоотларни барпо этиш ҳамда кўп қаватли турар жойларда ўзгартиришлар қилиш ҳолатлари аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 4 мартдаги 115-сонли ҳамда 2012 йил 11 октябрдаги 820-сонли қарорларига асосан, Тошкент шаҳрида нотурар жой объектлари ва якка тартибда қурилган уй-жойлар ҳамда кўп қаватли турар жой биноларида ва ён атрофида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонлари ва ҳужжатсиз барпо этилаётган бино-иншоотларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича туман ҳокимликлари қошида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада, ноқонуний равишда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ва қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларсиз савдо, маъмурий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳамда турар жой бино-иншоотлари қурган ёки қайта таъмирлаган, тадбиркор ва фуқарони қонун олдида жавобгар бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган маъмурий ва жиноий жазо чоралари қўлланилиши ҳақида огоҳлантиришимиз лозим.

Азиз ҳамшаҳарлар, ҳар хил кўринишдаги қурилмаларни қуришдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари асосида ажратилган ер участкаларида ва қурилиш ишларига рухсат берувчи рухсатномаларга асосан қурилиш ишларини олиб боришни унутмангиз. Бу билан Сиз қонунбузилиш ҳолатларини олдини олишга ва ватанимизни ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

### Кўчмас мулк объектларини давлат кадастр рўйхатидан ўтказинг!

Тошкент шаҳрида кўчмас мулкка бўлган талаб кундан кунга ортиб, мулкдорлар сафи кенгаймоқда. Шу билан бирга, ушбу кўчмас мулк объектларига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни қонунда белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин, айрим мулкдорлар томонидан ўзларига тегишли бўлган кўчмас мулк объектини давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш мажбурийлиги ҳақида билишадими?

Бугунги кунда, айрим мулкдорлар фойдаланишидаги ер майдонлари ва бино-иншоотларига бўлган ҳуқуқларни ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтказмаганликлари оқибатида, ер ва мулк солиғи тушумларида ноаниқликлар, кўчмас мулк объектлари билан боғлиқ битимларни тузиш борасида банк муассасалари ва давлат нотариал идораларига маълумотномалар тақдим этишда муаммоларга дуч келинмоқда. Ушбу муаммоларни тезда ижобий ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 84-моддаси, Ўзбекистон Республикаси "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Низомга асосан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни белгиланган муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга янада қулайлик яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сонли "Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан кўчмас мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда барча турдаги маълумотномалар бериш хизмати бепул амалга ошириб борилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Ягона дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги ПҚ2412-сонли қарорига асосан 2016 йил 1 январдан бошлаб, "Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси "Бир ойна" бўлими томонидан қуйида келтирилган хизмат турлари бўйича яъни: электрон ва ёзма кўринишида

1. Юридик шахсларга тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва гувоҳнома бериш.

2. Юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва гувоҳнома бериш.

3. Юридик шахсларга тегишли бино ва иншоотлар бўйича расмийлаштирилган гаров (ипотека) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш хизматлари, Тошкент шаҳрида жойлашган барча туман ҳокимликлари қошида тузилган "Ягона дарча" марказлари орқали электрон ва ёзма кўринишида қабул қилинаётганлигини билдирамиз.

Азиз ҳамшаҳарлар, битимлар асосида олинган кўчмас мулкингиздан фойдаланишдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунларга амал қилган ҳолда ер участкаси ёки бино-иншоотга бўлган ҳуқуқингизни давлат кадастр рўйхатидан ўтказишни унутмангиз. Бу билан Сиз ватанимизни ҳуқуқий давлат сифатида янада ривожланишига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Ўзингизни қизиқтирган қўшимча савол ва таклифларингизни **www/kadastr/uz** ҳамда **www/odnookno/uz** интернет саҳифалари орқали ёки бевосита ойнинг ҳар ҳафтаси шанба кунида Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси биносида ўтказиладиган "Очиқ эшиклар куни" тадбирида беришингиз мумкинлигини ҳамда 239-35-21 рақамли "Ишонч телефони" фаолият юритаётганлигини маълум қиламиз манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй.

**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маъмурияти**

**"GLOBAL TRADE TOWER"**

хусусий корхонаси мулкдорининг 2016 йил 19 сентябрь кунидаги 5-сонли қарорига мувофиқ, корхонанинг устав фонди 1 000 000 000,00 сўм миқдоридан 993 000 000, 00 сўм миқдорида камайтирилиб, янги устав фондининг миқдори 7 000 000, 00 сўмни ташкил этади. Ариза ва мурожаатлар қуйидаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Содиқов кўчаси, 9-уй.





И.Исмоилов олган суратлар

## Спорт янгиликлари

# ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ЗАФАРИ

***Туркманистонда теннис бўйича ўсмирлар ўртасида ташкил этилган навбатдаги халқаро турнирнинг якканалик беллашувларида Алишер Носиров дастлабки ғалабасини нишонлади.***

Истеъдодли спортчимиз биринчи учрашувини мезбонлар вакили Абдихайли Аннаевга қарши ўтказиб, рақиби устидан 6:1, 6:1 ҳисобида тезкор ғалабага эришди. Энди чорак финал йўлланмаси учун бўладиган навбатдаги баҳсда Алишер Носиров биринчи рақамда сараланган эронлик Армин Рустамийга қарши кортга чиқади.

Мусобақанинг жуфтлик беллашувларида қатнашаётган яна бир вакилимиз Одил Каримов мухлисларга ёқадиган ўйин намойиш қилди. Тожикистонлик Шодмон Қурбонов билан ҳамкорликда ҳаракат қилган теннисчимиз биринчи давра ўйинида туркманистонлик ракетка усталари — Алланур Даянжев ва Сардор Вепамуродовни 6:2, 6:0 ҳисобида таслим қилди.

# МУСОБАҚАГА СТАРТ БЕРИЛДИ

***Мамлакатимиз шахмат федерацияси залида анъанавий "Тошкент кузи – 2016" рейтинг турнири старт олди.***

Маълумки, ушбу турнир ҳар фаслда шахмат бўйича юртимизнинг энг иқтидорли спортчиларини ўз доирасида жамлайди.

Йил якунида Ўзбекистон чемпионати беллашувларига йўлланма берувчи мазкур мусобақа икки гуруҳда ўтказилади. "А" тоифасида умумий гуруҳ вакиллари йиғилган бўлиб, улар 31 нафарни ташкил этган. "В" гуруҳида 14 ёшгача бўлган ёш иқтидорли 51 шахматчи турнирни бошлайди. Беллашувлар швейцарча тизимда ўтказилиб, тўққиз турдан иборат бўлади.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

# ҲАВАСКОР ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

***Чилонзор туманидаги Республика Олимпия заҳиралари коллежида "Камолот-тур" IX анъанавий веломарафонининг туман босқичи ўтказилди.***

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Мазкур эътибор самарасида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида велоспорт тобора оммалашиб бормоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада 136 нафар ҳаваскор ёшлар иштирок этди.

Веломарафон иштирокчилари дастлаб коллеж спорт майдонига йиғилишди. 14-15 ёшлилар 500 метр, 16-17 ёшлилар 800 метр, 18 ва ундан катталар эса 1000 метр масофа оралиғи бўйича ўзаро беллашишди. Мусобақада иштирокчиларни туман маданият ва спорт ишлари бўлими, республика велоспорт федерациясининг вакиллари одилона баҳолаб боришди.

— Мусобақа тумандаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар ўртасида велоспорт турини оммалаштириш, уларни спортнинг мазкур тури билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида ўтказилди, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. — Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида веломарафоннинг шаҳар ва республика босқичларида туманимиз ёшлари фахрли ўринларни қўлга киритишган.

Туман босқичи ғолиблари мусобақанинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишди. Шунингдек, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Веломарафонда фаол иштирок этган ёшларга эсдалик совғалари топширилди.

**Зарина РУСТАМОВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 13 сентябрь 192 (13.255) сонидаги "Universal Realtor" МЧЖнинг аукцион савдосига қўйилган умумий майдони 443 кв.метр бўлган 4-қаватли ва ертўлали бино бўйича эълоннинг аукцион савдоси санаси қисми қуйидаги таҳрирда ўқилсин: аукцион савдоси 2016 йил 3 октябрь куни соат 15:00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин яъни 2016 йил 30 сентябрь куни соат 15:00да тўхтатилади.

**"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 апрелдаги 102-сонли ва 28 июндаги 215-сонли қарорлари ва "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ бошқарув қарори ҳамда "Тошкент трамвайи" УКнинг 2016 йил 20 сентябрдаги 648-сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3-А-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 10,959 га, умумий қурилиш майдони 24 950 кв.метрдан иборат 3-Депонинг бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси – 34 249 263 185 сўм 90 тийин**.

Аукцион савдоси 2016 йил 26 октябрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2016 йил 24 октябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк 2016 йил 26 октябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 11, 28 ноябрь, 14, 30 декабрь кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йилнинг 11 ноябрдаги савдо учун 9 ноябрь куни, 28 ноябрдаги савдо учун 25 ноябрь куни, 14 декабрдаги савдо учун 12 декабрь куни, 30 декабрдаги савдо учун 28 декабрь куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 20 (йигирма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулкнинг тўлиқ тўловини амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР:207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

***Айни кунларда пойтахтимизда ижодкор фотосуратчилар ва мусаввирларнинг турли мавзудаги кўргазмалари бўлиб ўтмоқда. Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида чиннисоз уста Ғайрат Даминовнинг "Хаёлот олами" мавзуидаги шахсий кўргазмаси очилди.***

# КЎРГАЗМАДА САРА АСАРЛАР

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик йилларда миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни қайта тиклаш, тараққий эттириш ва келажак авлодга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

– Она Ватанимизнинг гўзал манзаралари, амалга оширалётган улкан бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари шу юрт фарзанди бўлган ҳар бир инсонда шукроналик ҳиссини уйғотади, – дейди Ғайрат Даминов. – Мамлакатимиз ривожланишига оз бўлса ҳам ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсанд бўлиб кетаман. Ҳар битта буюмни тайёрлашда мулоҳаза, мушоҳада ва ёрқин фикрлар билан ижод қиламан. Жаннатмонанд юртимизда биз усталар учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар мукаммал қилиб яратилиб берилди. Бундан унумли фойдаланиш зарур.

Чиннисоз уста ёшлигидан наққошлик ва тасвирий санъатга меҳр қўйган. Болалигидан турли тўгаракларга қатнашиб ўз маҳоратини ошириб келган. Олий ўқув юртида олган билимлари унга амалий санъатнинг ноёб тури бўлган чиннисозликда улкан ютуқларга эришишига йўл очди.

Ғ.Даминов юртимизда ва бир қатор чет мамлакатларда ўтказилган кўргазмаларда фаол иштирок этди.

Кўргазмада устанинг уч юздан ортиқ асарлари намойиш этилди.

* * *

Тошкент Фотосуратлар уйида Ладислав Стругарнинг "Сеҳрли Словакия" деб номланган кўргазмаси Ўзбекистон Бадиий академияси ва Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Словакия Республикасининг мамлактимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Павел Иван ва бошқалар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ва санъат аҳли учун яратилаётган имкониятлар, уларнинг эркин ва самарали ижод қилишларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар доимий эътиборда эканлигини таъкидлади.

– Словакия ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро яқинлик, ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда ривожланиб бораётганлиги жуда қувонарлидир, – дейди Словакия Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Павел Иван. – Мазкур кўргазмада фотоижодкор Словакиянинг мафтункор манзаралари, ўзига хос урф-одатлари, миллий қадриятлари ва кўҳна обидаларини мўъжаз бир диёр сифатида тасвирлаган.

Кўргазмага қўйилган суратларни кўздан кечирар экансиз, ҳар бир сурат Словакия мамлактининг бой тарихи, фусункор табиати ва унда яшаётган инсонлар, уларнинг урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилаётгандай таассурот қолдиради.

Ҳа, аслида суратлар кўнгил аксини тасвирлайди. Ижодкор бор меҳрини, иқтидорини ўзи яратаётган суратларда акс эттирган. Ладислав Стругарнинг суратлари ҳам гўзал Словакия мамлакатининг бахтли ва фаровон ҳаётини томошабинлар қалбига жо қилгандай таассурот қолдиради.

**Гулнигор САТТОРОВА**

## "101"

# ФАОЛЛИК КЎРСАТИШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

***Мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан ривожланишида фан ва техника ютуқлари, ер ости ва ер усти бойликларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Кишилик жамиятининг илк босқичидаёқ олов қанчалар муҳим ўрин тутганлиги эса тарихдан маълум.***

Уй қурилишидан тортиб уни ишитиш ва совитиш тизимлари, ошхонанинг жойлаштирилиши, ўчоқ бошида олов ёқиш қоидалари ўзига хос бўлиб, уларда ёнғинга сабаб бўладиган ҳолатларга йўл қўйилмаган. Болаларга эса олов билан боғлиқ ҳеч қандай юмуш буюрилмаган ёки болаларнинг олов ўйнашларига мутлақо изн берилмаган. Афсуслар бўлсинки, бизнинг давримизга келиб кўпчилик ота-оналар олов билан боғлиқ ишларда, айтайлик, овқат пиширш, чой қўйиш сингари уй-рўзғор юмушларида қоидаларга амал қилишмайди ёки бу юмушларни болаларга топшириб қўйишади. Яшаш жойларида бўлгани каби иш жойларида ҳам ёнғинга олиб келувчи ҳолатларга лоқайд муносабат ҳамон сақланиб қолаётганлиги ташвишланарли. Бунинг натижасида жойларда турли даражадаги ёнғинлар содир бўлиб турибди.

Шу сабабли давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолатини мунтазам текшириб турилади, оммавий ахборот воситалари орқали ёнғинларнинг олдини олиш мақсадига қаратилган чиқишлар қилинади, профилактик тадбирлар ўтказилиб борилади. Фуқаролардаги лоқайдлик ва бефарқликлар туфайли яшаш жойларида ҳамон ёнғин содир бўлиб турибди. Кимнингдир айби билан содир бўлган ёнғин кўпларнинг моддий бойликларини кулга айланишига, уй-жойсиз қолишига сабаб бўлаётир.

Мақсад фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоида талабларига риоя этишлари, лоқайдлик ва эътиборсизлик сингари иллатлардан холи бўлиб, ёнғинларга олиб келувчи омилларнинг бартараф этилишида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Чунки, ўз уйи ва ўзгалар ҳаёти учун жавобгарлик ҳар бир кишининг виждон иши бўлиши керак. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини ҳеч ким унутмаслиги зарур.

**Борийхон ҲАСАНХОДЖАЕВ,**
**ЁХБ 12-ХЁХО 24-ҲЁХҚ**
**8-а/п смена бошлиғи, капитан**

* * *

***Болалар – бизнинг келажагимиз. Уларни асраб-авайлаб Ватанимизга содиқ, ҳар тарафлама етук инсон бўлиб камол топишларига масъулмиз.***

Нима учун ҳаётга талпинаётган мурғак бир гўдак бизнинг лоқайдлигимиз оқибатида оташ қурбони бўлиши керак? Ҳеч ким ўз фарзандининг ногирон бўлиб қолишини хоҳламайди, албатта. Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири, шубҳасиз ёнғиндир. Ёнғин эса бир неча сонияда мол-мулкдан ва яқинлардан ажрата оладиган бир офатдир. Ер юзида ҳар куни содир этилаётган ёнғинлар эса неча-неча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиб келмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, уларнинг олдини олишда аҳолини жалб қилишдан иборатдир.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулки, уй-жойини, қолаверса ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқли эканлигини унутмаслик лозим.

**Маҳамаджон МАНСУРОВ,**
**12-Ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди смена бошлиғи, капитан**

* * *

***Мамлакатимизда, айниқса, пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳар қандай сайёҳни ҳам лол қолдириши аниқ.***

Лекин шу билан бирга ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда барпо этилаётган бино ҳамда қурилмалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, фуқароларимиз томонидан кўп қаватли уйлар атрофларига ўзбошимчалик билан томорқа хўжаликлари қуриб олинганлиги ҳам салбий ҳолатлар сирасига киради. Шунингдек, хонадонлар олдига соябонлар ўрнатилганлиги, кичик омборхоналар қурилганлиги ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Бу эса фавқулодда ҳодисалар, жумладан ёнғин содир бўлганда уни ўчириш автомашиналарининг ҳаракатланиши ва ёнғин жойига ўтиб сув манбаларини ўзатиш имкониятлари йўқолишига олиб келиши турган гап.

Кўриниб турибдики, халқ мулкини "тилсиз ёв"дан муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим омилдир. Бу борада маҳаллаларда фуқаролар билан меъёрий ҳужжатлар асосида учрашувлар ўтказилмоқда.

**Шуҳрат РЎЗИХОДЖАЕВ,**
**12-ҲЁХО кичик сержант**

***Арзимас бўлиб кўринган гулхан, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари, болаларнинг кўчада гугурт ўйнашлари оқибатларида катта талафотларга сабаб бўлувчи ёнғин келиб чиқади. Натижада инсонлар тан жароҳати олиши, моддий зарар кўриши мумкин.***

Ёнғинлар натижасида нафақат моддий, балки атроф-муҳит обҳавосига зарарли таъсирлар ҳам кузатилади. Бундан ташқари турли заҳарли газлар чиқиши, ёнган ўтлар ўрнида қора тусга кирган дилни хира тортишига сабаб бўлувчи ёқимсиз манзарага дуч келинади. Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир фуқаро ўз яшаш уйида, унинг атрофида, масканларда раҳбарият томонидан жиддий эътибор қаратиб шаҳримиз гўзаллигига, ободонлаштирилишига ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим.

**Т.ҚОДИРОВ,**
**12-ҲЁХО 26-ҲЁХҚ бошлиғи, майор**
**А.РУСТАМОВ,**
**12-ҲЁХО 26-ҲЁХҚ кичик инспектори, сафдор**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **23 сентябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 сентябрь** куни Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 955
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4875 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ